Milliy tiklanishdan-milliy yuksalish sari!

# BOYSUN

Ijtimoiy - siyosiy gazeta

2025-yil 30-iyul
№ 14 (6453)

http://boysungazetasi.uz/

Gazeta 1932-yil 1-maydan chiqa boshlagan

Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashi va tuman hokimligining gazetasi

**2025-yil — Atrof-muhitni asrash va yashil iqtisodiyot yili**

## ОМОНХОНА-ТУРИЗМ ҚИШЛОҒИ

















## МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ФАОЛИЯТИДА ТУБ БУРИЛИШ БОСҚИЧИ

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 23 июндаги ПФ-98-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш Концепцияси қабул қилинди.***




Ушбу муҳим сиёсий ҳужжатнинг асосий мазмун-моҳияти, мақсади ҳамда уни ҳаётга татбиқ этишнинг механизмлари хусусида туман Кенгаши депутати, ЎзХДП туман Кенгаши раиси Зоҳида Ўзбекова билан суҳбатлашдик.

***—Зоҳида Баҳромовна, келинг, аввало мазкур Концепциянинг зарурати хусусида, уни ҳаётга татбиқ этишни тақозо этувчи омилларга тўхталсак.***

—Биласизми, бу саволингизга тўлақонли жавоб бериш газета имкониятларидан келиб чиқиб бироз мушкул иш деб ўйлайман, бироқ ҳамонки савол мавжуд экан, энг муҳим омиллар мисолида қисқарок жавоб беришга ҳаракат қиламан.

Маълумки, давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини ислоҳ қилиш борасидаги ишлар бир неча йилдан буён узлуксиз давом этяпти ва бу ислоҳотлар босқичма-босқич такомиллаштирилмоқда. Масалан, Президент фармонида қайд этилганига кўра Олий Мажлис Сенати томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини самарали ташкил этишга қаратилган 20 дан ортиқ қарорлар қабул қилиниб, маҳаллий Кенгашлар фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий асослар мустаҳкамланди. Шунингдек, маҳаллий Кенгашлар фаолиятига оид 700 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатлари қайта кўриб чиқилиб, 300 дан ортиқ функцияларни мақбуллаштириш чоралари кўрилди. Хусусан, давлат раҳбарининг 2024 йил 2 февралдаги ПФ-28-сон “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниб, ушбу Фармон билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини янги модел — **“Кучли Кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким”** тамойили асосида ислоҳ қилишга қаратилган қатор қоидалар белгилаб берилди. Умуман олганда, Президентнинг 2025 йил 23 июндаги ПФ-98-сон Фармонида Концепцияни қабул қилиш заруратини асословчи 9 та энг муҳим муаммолар кўрсатиб ўтилганки, Концепцияни ҳаётга татбиқ этиш орқали муаммоларнинг бартараф этилиши яқин келгусида маҳаллий Кенгашларнинг ва депутатларнинг мақомини, ваколатини янада мустаҳкамлаш, кенгайтириш ва замон талабига мослашга хизмат қилади. Энг муҳим омил эса, Фармонда қайд этилганидек, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида маҳаллий давлати ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини янада мустаҳкамлашга қаратилган вазифалар ижроси юзасидан ислоҳотларни давом эттиришдан иборат.

***—Концепциянинг 3-боби “Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари” деб номланибди. Назаримда бу боб мазкур ҳужжатнинг мағзи — энг асосий вазифалар, мақсадлар жамланганлиги билан ҳам аҳамиятли?***

(Давоми 2-бетда)

## ТУРИЗМ МАДАНИЯТИ

### БИЗ УНГА НЕЧОҒЛИ ТАЙЁРМИЗ?

**Туризм дунёнинг деярли барча мамлакатларида жадал ривожланаётган сердаромад соҳа. 1993 йилда жаҳон туристик ташкилотига аъзо бўлган Ўзбекистон ҳам мазкур соҳани ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд давлатлар қаторида туради. 1999 йилда қабул қилинган “Туризм тўғрисида”ги Қонун эса мамлакатимизда соҳани ривожлантиришнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.**



Айниқса, кейинги йилларда шахсан давлатимиз раҳбари томонидан туризм ривожига қаратилаётган эътибор боис Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятида ижобий ўзгаришлар кўряпмиз. Мамлакатимизнинг ҳар бир вилоят, шаҳар ва туманларининг туризм имкониятлари ўрганилиб, кўплаб катта-кичик лойиҳалар амалга оширила бошланди. Жумладан, Бойсун тумани ҳам Сурхон воҳасининг туризм имкониятлари энг юқори ҳудудларидан бири сифатида эътироф этилиб, бу ерда бир неча йўналишларда туристик маршрутлар, туризм марказларини ташкил этиш лойиҳаларига старт берилди. Хусусан, Президент қарори билан “Омонхона”, “Дарбанд канёни” (“Хўжамайхона” дарасида) замонавий туризм марказлари қурилишига илк тамал тошлари қўйилди. Бугунгача мавжуд бўлган туристик марказларнинг фаолиятини тубдан яхшилаш, хорижий ва маҳаллий сайёҳлар учун барча шарт-шароит ва тегишли инфратузилмаларни яратиш тадбирлари амалга ошириляпти.

Албатта, ҳар бир соҳада бўлганидек, туризм соҳасининг ривожи учун ҳам ўзига хос талаблар, тартиб-қоидалар, маҳаллий ва халқаро даражадаги меъёрлар мавжуд. Тартиб ва меъёрларки, уларсиз туризм тараққиётининг ўзи бўлмаслиги мумкин. Хусусан, соҳа ривожида замонавий логистика, қулай инфратузилма, сифатли хизмат энг муҳим кўрсаткич эканлиги барчага бирдек аён. Аммо мазкур мақолада туризм ривожида жуда муҳим, бироқ ҳамма ҳам эътибор қилавермайдиган алоҳида бир меъёр, талаб хусусида тўхталмоқчимиз.

Айтмоқчи бўлганларимиз туризм маданияти ҳақида, яъни, ҳар бир сайёҳ амал қилиши лозим бўлган шахсий туризм маданияти — этикаси, экологик ахлоқи ҳақида. Сайёҳлик даврида она табиатга, атроф-муҳитга, ҳудуднинг флора ва фаунасига, яшиллик оламига бўлган эътибор ҳақида.

Истаймизми, йўқми, туризм — бу она табиат билан боғлиқ масала. Ҳар бир сайёҳ, ҳар бир меҳмон туристик саёҳатини айнан табиат билан боғлиқ ҳолда, у билан ёнма-ён, унинг таровати нафосатидан завқланиб ўтказади. Яъни, бир вақтнинг ўзида табиат билан ўзаро муносабатда бўлади. Бу муносабат эса ҳар бир сайёҳнинг ички олами, атроф-муҳитга бўлган шахсий муносабатидан келиб чиқиб, турлича — яхши ёки ёмон, эътиборли ёхуд эътиборсиз, озорли ёки озорсиз бўлиши мумкин.



Шу ўринда бир йилча муқаддам газетамиз саҳифасида чоп этилган таниқли шоир акамиз Абдимурод Худойбердиевнинг “Япониялик олимнинг ибрати” номли мақоласида тилга олинган таъсирли воқеа эсимга тушди. Муаллифни тамоман ҳайратга солиб, алал-оқибат ўша таъсирли мақолани ёзишга ундаган воқеа, аслида биз учун ҳайратланарли, бироқ японияликлар учун инсоннинг табиат билан оддийгина одатий муносабати эди. Мақолада келтирилганига кўра Мачайнинг таниқли ғорларини ўрганишга келган япон олими шоир акамиз билан бир кунлик сафардан қишлоққа қайтиб келибоқ, уй эгасидан ахлат қутиси қаерда эканлигини сўрайди. Уй эгасининг ишорасидан сўнг чўнтагида сақлаб келган, йўл бўйи шимилган икки дона конфет қоғозини ҳовли бурчагидаги ахлат қутисига ташлаб қайтади.

Қизиқ, ахир олим, ўша икки дона конфет қоғозини йўлдаёқ ташлаб юборса бўлардику. Бунинг билан Мачай тоғлари ифлосланиб қолмасди, ахир? Йўқ, бунга олим туғилиб яшаган юрт — Японияда олган тарбия йўл қўймасди. Қуёш чиқар юртда ҳеч бир япониялик, у ким бўлишидан қатъий назар игнадек нарсани ҳам шунчаки тўғри келган жойга ташламайди, унга оилада, мактабда, олийгоҳда ўргатишган буни. Мана шундай тарбия боис Япония дунёдаги энг тоза мамлакат сифатида эътироф этилади. Япониялик ҳар қандай фуқаро ўз мамлакатидан ташқарида — хорижий юртларда бўлган чоғда ҳам табиат билан бўлган муносабатда ўз ватанидаги тартиблар доирасида тутади ўзини.

Яқинда синфдош биродарларимиздан бири Зовбоши дам олиш масканида оилавий саёҳатдан қайтиб, кўнгилсиз бир воқеани гапириб қолди.

—Туризм ривожлангани яхши, — дейди дўстим. — Бироқ дам олишга чиқувчи сайёҳларда туризм маданияти, этикаси бўлмаса бундан ёмони йўқ экан. Атроф-жавонибда нималар йўқ дейсан — бўшаган пластик идишлар, полиэтилен халтачалар, овқат қолдиқлари, болалар тагликлари (памперслар), ҳатто тўғри келган жойда сўйилган жонлиқларнинг ичак чиқиндилари... Биздан аввал ўтириб кетган дам олувчилар қолдирган чиқиндиларни бир соатча вақт оралиғида биргалашиб йиғиштирдик. Айниқса, кўпчилик йиғилган чиқиндиларни махсус жойларда эмас, жилғалар, пана-пастқам жарликларда тўкиб қўйишгани росаям дилимизни хуфтон қилди.

(Давоми 4-бетда)

## ПОРАХЎРЛИК ХАВФЛИ ИЛЛАТ

***Коррупция мураккаб ижтимоий-иқтисодий-сиёсий ҳодиса бўлиб, жамият тараққиётининг муҳим олмиллари бўлмиш тинчлик, осойишталик, адолат ва қонун устуворлиги каби ижтимоий-ҳуқуқий қадриятларни буткул йўқ қилади, миллий хавфсизликка таҳдид солиб, мамлакат ривожига тўсиқ бўлади.***

Бирор-бир соҳада коррупцияга йўл қўйилар экан, бу ҳолат ўша соҳани таназзулга учрашига сабаб бўлиши билан бирга, бутун мамлакатнинг обрўйига салбий таъсир кўрсатади. Агарда, бу иллатга кичкинагина бўлса-да туйнук очилар экан, ҳеч муболағасиз ўша давлат ёки соҳа инқирозга учраши эҳтимолдан холи эмас, демоқчиман.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев “Бутун жамоатчилик бирлашиб, коррупцияга “жамият танасидаги саратон” сифатида қараш керак” деган ҳақли эътирофни билдирган эди. Шу нуқтаи назардан давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 5 март куни коррупцияга қарши курашиш бўйича ўтказилган миллий Кенгаш йиғилишида берган топшириқларидан келиб чиқиб, ўзимнинг фикр-мулоҳазаларимни муштарийларга етказишни мақсадга мувофиқ деб топдим.

Янги Ўзбекистонда юртдошларимизнинг эркин ва фаровон яшаши учун кег кўламли ижобий ўзгаришлар амалга оширилаётган бир вақтда, давлатнинг нуфузли идораларида фаолият кўрсатаётган айрим мансабдор шахсларнинг пора олди-бердисига алоқадорликда жиноят устида қўлга олинаётганлиги ачинарли ҳолдир. Аслида бундай жирканч ишга қўл ураётган шахслар давлат томонидан моддий жиҳатдан етарлича таъминланган бўлади. Бироқ назари оч кимсалар ўз меҳнати эвазига топиладиган ҳалол маблағ билан оиласи даромадини ошириш, хавотирсиз яшаш ўрнига ҳаром луқмага кўз тикиб, қайсидир қинғир иш эвазига пора олиши оддий меҳнаткаш халқимизнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлишини эсдан чиқармаслик керак.

Яратганнинг инояти билан тўқсон ёшга етиб, жуда кўп алғов-далғов даврларни бошидан ўтказган инсон сифатида, ўз тажрибаларимга таяниб бир фикрни билдирмоқчиман. Ўтган асрнинг ўрталарида қимматчилик, қаҳатчилик, йўқчилик, очлик ва хорликни бошимдан ўтказдим. Ўшанда ҳам мен сингари оғир аҳволда бўлган бўлишига қарамай, ҳеч ким бировнинг ҳақига хиёнат қилмади, фирибгарлик, товламачилик йўли билан даромад топмади. Мабодо, кимгадир, қайсидир масалада ёрдам қилишган бўлса, бу ҳам фақатгина савоб учун беғараз амалга оширилган. Бинобарин, азалдан ҳам ноқонуний йўл билан даромад орттириш қораланиб келинган.

Ҳозиргидек фаровон замонда товламачилик, фирибгарлик, порахўрлик иллатларининг учраб турганлигини эшитиб, жуда ҳайрон қоласан? Наҳотки, “Ҳамма илм олишга интилган тўкин-сочинли замонда шунчалар ҳам маърифати, маънавияти паст, ожиз кишилар бор бўлса орамизда” дея ёқа ушлайсан киши.

Шу ўринда, коррупция иллатига қарши курашишнинг айрим ижтимоий-ҳуқуқий омиллари ҳақида жамоатчиликка ўзимнинг фикр ва мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Жорий йилнинг 5 март куни Коррупцияга қарши курашиш миллий Кенгаши мажлисида иштирок этган Президентимиз Ш.Мирзиёев коррупция ислоҳотлар йўлидаги энг катта тўсиқ ва ғов эканини, коррупциянинг олдини олиш — давлат хизматига профессионал ва фидойи кадрларни танлаш ҳамда уларни “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлашдан бошланишини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)

( Боши 1 -бетда)

# МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ФАОЛИЯТИДА ТУБ БУРИЛИШ БОСҚИЧИ

—Тўғри айтасиз, аслида ҳам шундай. Эътибор қилган бўлсангиз асосан 7 йўналишдаги асосий мақсадлар ва устувор вазифалар белгиланган. Масалан, улардан менинг назаримда энг муҳимларидан бири — Аҳоли муаммолари ва ҳудуд манфаатларига оид муҳим долзарб масалаларни ҳал этишни **“Маҳалла еттилиги” — туман (шаҳар) Кенгаши — Вилоят Кенгаши — Сенат тамойили** асосида кучайтириш номли мақсадларга тўхталиб ўтсам. Бугун аҳолини қийнаётган муаммолар, шунингдек, ҳудудлар манфаатларига оид долзарб масалаларни маҳаллалар иштирокисиз ҳал этиб бўладими? Йўқ, албатта. Ҳудудларда шунақа мураккаб муаммолар, масалалар бўлиб турадики, уларни шу ҳудуддан сайланган биргина депутат ёки маҳаллий Кенгаш бартараф эта олмаслиги мумкин. Шунинг учун маҳаллий Кенгашларнинг назорат-таҳлил фаолияти самарадорлигини оширишда Олий Мажлис Сенати Кенгаши ҳамда маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорлиги жуда муҳим аҳамият касб этади. Ёки бўлмаса, республика даражасида ҳал этиладиган ҳудуд манфаатига оид муҳим долзарб масалаларни Олий Мажлис Сенати муҳокамасига олиб чиқиш тартибининг жорий этилиши муҳим муаммоларга тўғри ечим топишга хизмат қилиши муқаррар.

Дарвоқе, Концепцияда маҳаллий Кенгашлар сессиялари оралиғида тезкор масалаларни ҳал этиш мақсадида Кенгаш раёсати институтини жорий этиш ва раёсат томонидан кўриб чиқиладиган масалалар доирасини аниқ белгилаш, шунингдек, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш раиси ўринбосари институтини жамоатчилик асосида жорий этилиши ҳам, келгусида Кенгаш фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилади, албатта.

***—Маҳаллий Кенгашлар депутатларининг мақоми ва фаолиятининг асосий кафолатларини янада кучайтиришга қаратилган вазифалар ҳам белгиланаётгани, депутатлар, умуман, жамоатчилик томонидан қандай қабул қилинди?***

—Муҳтарам Президентимиз маҳаллий Кенгашлар депутатлик мақоми ва фаолиятини кафолатлаш масаласига мудом эътибор қаратиб, бу борада ҳам босқичма-босқич ислоҳотларни амалга оширяптилар. Маҳаллий Кенгашлар депутатлари депутатлик вазифаларини асосий вазифалари билан бир вақтда бажаришларини, қолаверса, улар депутатлик фаолияти учун моддий манфаатдор эмаслигини эътиборга олсак, депутатлик фаолияти учун маълум бир даражадаги ишончли кафолат уларнинг фаолияти самарадорлигини таъминловчи асосий омил бўлади, деб ҳисоблайман. Шунинг учун ҳам Концепцияда белгиланган вазифалар доирасида маҳаллий Кенгаш депутатининг депутатлик фаолиятининг кафолатларини бир йил давомида такроран бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чоралари кучайтириляпти. Шунингдек, депутатларнинг депутатлик фаолиятини амалга ошириш, сессияларда, доимий комиссиялар ва партия гуруҳларининг йиғилишларида иштирок этишларига доимий иш берувчи раҳбарлар томонидан тўсқинлик қилишга йўл қўйилмайди. Бундан ташқари маҳаллий Кенгашларнинг Регламенти ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссиясига Кенгаш қарори билан лавозимга тасдиқланадиган, тайинланадиган, лавозимга тайинланишида Кенгаш розилиги олинадиган мансабдор шахслар томонидан одоб-ахлоқ нормаларини бузганлик бўйича ишларни кўриб чиқиш ваколати ҳам берилиши назарда тутилган.

Депутатнинг мақоми ва фаолиятининг кафолатланиши — бу, энг аввало, депутатнинг иш самарадорлигининг кафолати ҳамдир. Бироқ шу ўринда таъкидлаш лозимки, бу кафолатлар депутатнинг ўзи томонидан тўғри қабул қилинса ва у ўз фаолияти давомида уни суистеъмол қилмасагина янада юқори самара беради. Умуман олганда, янги Концепция маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан аҳоли ўртасида ишончли кўприк бўлиши, маҳаллий Кенгашлар фаолиятини тубдан такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотларни оғишмай амалга ошириш ва ислоҳотлар доирасида белгиланган вазифаларни рўёбга чиқаришда муҳим ҳужжат бўлишига шахсан ўзим бир депутат сифатида ишонаман ва барча депутатларимиз ҳам шу фикрда деб биламан.

***—Президент Фармони қабул қилинди, унга кўра Концепция ҳаётга татбиқ қилиниши керак. Мазкур ҳужжатнинг мақсад-мазмунидан келиб чиқадиган вазифалар кўламини назарда тутиб айтадиган бўлсак, уни амалга оширишни, аслида кенг жамоатчилик орасида тарғибот қилиш билан бошлаш керакдек, бироқ унинг асосий тарғиботчилари ҳисобланган сиёсий партиялар жимдек кўринади бу масалада. Ҳар эҳтимолга қарши, туманимизда, демоқиман.***

—Сизга шунақа кўринган бўлиши мумкин. Балки бу масалада, ҳақиқатан ҳам барча сиёсий партиялар бир хил ҳаракат қилмаётган бўлишлари мумкин. Нима бўлганда ҳам саволингиз ўринли деб биламан. Шахсан бизнинг партиямиз мисолида айтадиган бўлсам ушбу фармон бошланғич партия ташкилотларида, партиянинг депутатлик гуруҳида муҳокама этилиб, унинг мақсад-моҳияти ҳақида электорат орасида тадбирлар ўтказиляпти. Мазкур суҳбатимиз ҳам шундай мазмундаги тадбирларнинг бири, аслида. Менингча, Концепция фақат депутатларга дахлдор ҳужжат эмас, уни барча қатлам аҳоли пухта ўрганиши, танишиб чиқиши лозим. Зотан, унда жамиятимизда кечаётган муҳим ислоҳотларнинг бир қисми акс этган.

***—Самимий суҳбат учун раҳмат!***

**Суҳбатдош: Даврон ОРИФ.**

***Mamlakatimizda soliq qonunchiligini takomillashtirish bo`yicha qator normativ-huquqiy hujjatlar, xususan, O`zbekistion Respublikasi Prezidentining 2025-yil 11-iyuldagi “Soliqqa oid nizolarni sudgacha hal qilish mexanizmlarini takomillashtirish chora-tadbirlari to`g`risida”gi PQ-223-son qarori qabul qilindi.***

Qarorni qabul qilishdan ko`zlangan maqsad etib tadbirkorlar va soliq organlari o`rtasidagi nizolarni hal qilish uchun sarflanadigan vaqt va xarajatlarni kamaytirish belgilandi. Qarorga ko`ra, Savdo-sanoat palatasi huzurida soliq, iqtisodiyot, moliya va huquq masalalari bo`yicha ekspertlardan iborat Soliqqa oid nizolar bo`yicha ekspert Kengashi tashkil etiladi. U tadbirkorlar va soliq organlari o`rtasidagi soliq nizolarini sudgacha hal qiladi hamda xulosalarni majburiy tartibda ko`rib chiqish uchun soliq, bojxona va boshqa tegishli davlat organlariga yuboradi.

Ekspert Kengashining majlislari bir oyda kamida ikki marotaba o`tkaziladi.

Ekspert Kengashiga soliqqa oid nizolarni ko`rib chiqishda quyidagi vakolatlar beriladi:

# SOLIQQA OID NIZOLAR BO`YICHA EKSPERT KENGASHI TASHKIL ETILADI

-soliq organlarining qarorlaridan norozi bo`lgan tadbirkorlarning murojaatlarini ko`rib chiqish, bundan jinoyat ishi doirasida yoki sud tartibida ko`rib chiqilayotgan soliqqa oid nizolar mustasno;

-murojaatlarni ko`rib chiqish natijasi yuzasidan xulosa qabul qilish;

-qabul qilingan xulosalarni majburiy tartibda ko`rib chiqish uchun soliq, bojxona va tegishli davlat organlariga yuborish hamda bu haqda tadbirkorni xabardor qilish.

Aslida Soliq kodeksida sudgacha shikoyat qilish tartibi nazarda tutilgan, biroq Prezident darajasida qaror qabul qilinishi va e`lon qilingan maqsad — vaqt va xarajatlarni qisqartirishning o`zi mavjud tizimning to`g`ri ishlamaganidan dalolat beradi. Afsuski, biznesni eshitish uchun hali ham “tashqi hakam” kerak.

Shu o`rinda haqli va juda muhim savol tug`iladi: ekspertlar Kengashiga murojaat qilish soliq organining shikoyat qilinayotgan qarori yoki harakati ijrosini to`xtatib qo`yadimi?

—Yo`q, soliq kodeksida bunday norma mavjud emas. Bu amalda qanday amalga oshirilishini ko`ramiz.

Ta`kidlash joizki, ilgari Soliq qo`mitasi huzurida Ekspert Kengashi qarorlari amalda soliq organi tomonidan muhokama qilinmasdan, avtomatik ravishda ijroga qabul qilinar edi.

Endilikda mazkur qarorga muvofiq Savdo sanoat palatasi huzuridagi yangi Ekspert Kengashining xulosalari vakolatli organlar tomonidan majburiy tartibda ko`rib chiqilishi belgilandi.

**Zokir HAYDAROV,**
**Boysun tuman adliya bo`limi bosh maslahatchisi.**

# SUBSIDIYA NIMA VA U KIMLARGA BERILADI?

***Bugungi kunda ijtimoiy himoyaga muhtoj, biroq tadbirkorlik faoliyati bilan shug`ullanmoqchi bo`lgan fuqarolarni davlat tomonidan moliyaviy qo`llab-quvvatlashga qaratilgan turli amaliyotlar joriy etilgan. Ana shunday moliyaviy amaliyotlardan biri subsidiyadir.***

Bizga qilinayotgan murojaatlarga ko`ra aksariyat fuqarolar subsidiya bilan qaytariladigan kredit mablag`larini farqlay bilishmaydi. Vaholanki, ular bir-biridan tubdan farq qiladi va buning maqsad-mohiyatidan ular xabardor bo`lishlari shart.

Subsidiya — daromadi yuqori bo`lmagan shaxslarga ipoteka kreditlari asosida uy-joy sotib olishlari uchun boshlang`ich badal yoki kredit foiz to`lovlarining bir qismini qoplab berish maqsadida davlat byudjetidan ajratiladigan qaytarib berilmaydigan mablag`dir.

Boshlang`ich badal — bu birinchi bozordagi (ya`ni, yangi qurilgan) uy-joylarni sotib olish uchun ajratiladigan pullar bo`lib, shahar va qishloqlarda ularning qiymati bir xil bo`ladi.

Yuqorida ta`kidlanganidek, subsidiya, shuningdek, ipoteka krediti bo`yicha foizlarni qoplash uchun ham berilishi mumkin, bunda qishloq joylarda — birinchi besh yil davomida ipoteka krediti bo`yicha foiz to`lovlari bilan bog`liq xarajatlarni qoplash uchun -10 foizlik punktdan oshgan qismiga, shaharlarda esa dastlabki badalning bir qismini to`lash bilan bog`liq xarajatlarni qoplash uchun uy-joy hisoblangan qiymatning 10 foiz miqdorida, shuningdek, Qoraqalpog`iston Respublikasi va viloyatlar shaharlarida 10 foizlik punktdan oshgan qismiga to`lanadi.

Har bir hududda quriladigan uy-joylar sonidan kelib chiqib, yil davomida ajratiladigan subsidiyalar miqdori haqida moliya vazirligi, iqtisodiy va sanoat vazirligi, Qurilish vazirligi hamda tegishli hokimliklar tomonidan ommaviy axborot vositalariga ma`lumot beradi. Subsidiya olish uchun arizani Davlat xizmatlari markazlari yoki **my.gov.uz** portali orqali elektron tarzda berish mumkin.

Eslatib o`tamiz, mazkur mablag`lar faqatgina uy-joy sharoitini yaxshilashga muhtoj bo`lgan oilalar, og`ir ijtimoiy vaziyatga tushib qolgan xotin-qizlar, mamlakat ijtimoiy faoliyatida faol ishtirok etayotgan yoshlar va shu toifadagi boshqa O`zbekiston fuqarolariga ajratiladi.

Subsidiya olish uchun fuqaro 18 yoshga to`lgan bo`lishi kerak. Agar fuqaro mehnat migranti bo`lsa uning nomidan oila a`zolari ham ariza berishi mumkin.

**Gavhar QOSIMOVA,**
**Boysun tuman adliya bo`limi Davlat xizmatlari markazining bosh mutaxassisi.**

# БУГУНГИ ДЕПУТАТНИНГ СИЁСАТДАГИ РОЛИ

***Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотлар жараёнида депутатларнинг роли янада аҳамият касб этмоқда. Қонунчилик фаолияти, жамоатчилик билан мулоқот ва давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари орқали амалга оширилишида депутатлар муҳим тарғиботчи, назоратчи ва қонун ижодкори сифатида фаол иштирок этмоқда.***

Депутат давлатнинг қонунчилик органи бўлган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ёки Сенат аъзоси сифатида қонунларни қабул қилиш, таҳрирлаш ва янгилаш жараёнида иштирок этади. Уларнинг вазифаси жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий талабларга жавоб берадиган, халқ манфаатларини ифода этадиган қонунлар яратишдир. Бугунги кунда депутатлар нафақат тайёрланадиган муҳим лойиҳаларни кўриб чиқмоқда, балки жойлардаги муаммолар асосида янги ташаббуслар билан ҳам чиқиш қиляптилар.

Сиёсий ислоҳотлар доирасида ҳам депутатларнинг халқ билан бевосита мулоқоти кучайди. Улар вилоятлар, туманлар ва маҳаллаларда сайёр қабуллар ўтказиб, фуқароларнинг дардини тинглашмоқда, мурожаатлар асосида ҳуқуқий чоралар кўришмоқда. Бу жараён депутатнинг фақат қонун қабул қилувчи эмас, балки халқ ва давлат ўртасида ўзига хос кўприк эканини ҳам кўрсатади.

Депутатлар фаолиятидаги энг муҳим вазифалардан бири шубҳасиз бу — ижро ҳокимияти устидан парламент назоратини амалга оширишдир. Улар, шунингдек, давлат дастурлари ижросини назорат қилиш, мансабдор шахсларни парламентга чақириш, жойлардаги ислоҳотларнинг самарадорлигини баҳолаш ҳуқуқига ҳам эга. Бу функция уларнинг сиёсий таъсирини кучайтириб, ҳокимият органларининг жавобгарлигини оширади.

Таъкидлаш жоизки, депутатлар вакиллик органларига сиёсий партиялар орқали сайланади ва ўзлари мансуб бўлган партия платформасини ҳимоя қилади. Бугунги кунда Ўзбекистонда бешта сиёсий партия фаолият юритиб келмоқда ва улардан сайланган ҳар бир депутат ўз партияси манфаатини ҳимоя қилиш билан бирга умуммиллий масалаларда ҳам позициясини билдириши талаб қилинади. Бу сиёсий плюрализм ва фикрлар хилма-хиллигини таъминлашда энг муҳим омилдир.

Айни пайтда Халқ депутатлари Бойсун туман Кенгаши таркибида 25 нафар депутатлар фаолият юритаётган бўлиб, улар туманимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаёти билан боғлиқ бўлган муҳим ҳужжатлар ва қарорларни қабул қилишда юқорида қайд этилган талаблар доирасида иш олиб бормоқдалар. Уларнинг вазифаси, аксарият фуқаролар тасаввурича, шунчаки қўл кўтариб у ёки бу масалага дахлдор ҳужжатларни қабул қилиш билан чекланаётгани йўқ. Қабул қилинган қарорлар ижросини назорат қилиш, ҳудудларда аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, ишлаб чиқариш, саноатни ривожлантириш, фаровонликни ошириш, аҳоли мурожаатлари билан ишлашда маҳаллий Кенгашлар депутатлари олдига қўйилган вазифалар каррасига ошиб, талаб, масъулият янада кучайди. Айниқса, куни кеча Президентимиз Фармони билан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилгача қадар ривожлантириш Концепцияси”га киритилган вазифалар депутатлардан янада масъулият билан ишлашни талаб қилади.

**Файзиддин ТУРСУНҚУЛОВ,**
**туман Кенгаши депутати.**

# ПОРАХЎРЛИК ХАВФЛИ ИЛЛАТ

(Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбари назарда тутган “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлаш бу-барча давлат тузилмалари фаолиятида коррупцияга қарши қаратилган етарли ташкилий-ҳуқуқий механизмларни яратиш, мавжудларини эса замон талаблари асосида такомиллаштириш ва унга қатъий риоя қилиш орқали унинг олдини олишни, унга қарши самарали курашишни англатади.

Коррупция давлат бошқарувига, фуқароларнинг давлат ҳокимияти органларига бўлган ишончига ва инсон ҳуқуқларига тўғридан-тўғри салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун, давлат органлари фаолиятини самарали амалга оширишда коррупциянинг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга. Коррупцияга қарши курашиш давлат органлари ходимлари ва мансабдор шахсларнинг маънавий қиёфаси, яъни таълими, тарбияси, ҳалоллиги, виждонлилигига боғлиқ. Шунга кўра, давлат хизматига мазкур талабларга жавоб берадиган ҳалол ва пок кадрларни танлаш ушбу органлар раҳбарларининг зиммасидаги биринчи навбатдаги вазифа ҳисобланади.

Мансабдор шахснинг ҳалоллиги ўз вазифаларини виждонан бажаришида, ростгўйлигида, номақбул ҳаракатлардан ўзини тийишида ва бенуқсон обрў-эътиборга эга бўлишида намоён бўлади. Ҳар қандай шароитда ҳалолликка асосланиб яшайдиган мансабдор шахс журъатли ва қатъиятли бўла олади. Буюк француз файласуфи Вольтернинг “Ҳалол одамни таъқиб қилиш мумкин, аммо уни бадном қилиб бўлмайди”, деган сўзларини фикримизнинг исботи сифатида қараш мумкин.

Ҳар қандай шахс у ким бўлишидан қатъий назар ўз оила аъзоларини фақат қонуний ва ҳалол даромадлар эвазига яшашга ўргатиш мажбуриятига эгадир. Агарда кимда-ким фарзандларни ҳаром луқма ҳисобига боқаётган бўлса бу заҳар бериш билан баробарлигини ва оқибатда муқаррар равишда кулфатга гирифтор бўлиши мумкинлигини идрок қилиши даркор. Зеро, Абдулқосим Замахшарий айтганидек: “Ҳалол-покиза киши доимо хотиржаму тинчликдадир, бировга хиёнату ёмонлик қиладиган киши эса ҳалокатга гирифтордир”.

Касбим судьялик бўлганлигидан келиб чиқиб, порахўрлик жинояти иштирокчиларининг ҳатти-ҳаракатларини тўғри ҳуқуқий баҳолаш ҳақида ҳам тўхталмоқчиман.

Дейлик, пора берувчи ва пора олувчи муайян моддий қийматдаги пора предметига келишишди, аммо ўша келишилган нарса ҳали берилган ва олинган эмас. Уларнинг бу қилмишлари фош бўлиб қолганда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 25-моддаси талабига кўра жиноят содир этишга суиқасд қилиш сифатида пора бермоқчи бўлган шахсни Жиноят кодексининг 25-моддаси орқали 211-моддаси билан, яъни пора беришга суиқасд қилиш жинояти содир қилганликда, пора олмоқчи бўлган шахсни эса, Жиноят кодексининг 25-моддаси орқали 210-моддаси билан, яъни, пора олишга суиқасд қилиш жиноятини содир қилганликда айбдор деб топиб, жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Бироқ баъзи ҳолларда пора берувчи шахс келгусида порани қайтариб олишни кўзлаб ёки пора беришдан кўзлаган ниятига эришиш бинобарида жавобгарликдан қутулиб қолиш мақсади билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар берган бўлиши мумкин. Айни ҳолатда, унинг бу ҳатти-ҳаракатларига ҳам лозим даражада ҳуқуқий баҳо берилиши керак, албатта.

Қилмишни квалификация қилишда, пора берувчи томонидан берилиши лозим бўлган пора миқдори эътиборга олиниб, пора предметининг келиб чиқиш манбалари ҳам атрофлича текширилиши, унинг меҳнатсиз даромадлар ҳисобидан орттирилганлиги аниқланган тақдирда, ўша аниқланган сумма ёки мулк давлат фойдасига мусодара қилиниши лозим.

Шунингдек, баъзи ҳолатларда суд амалиётида пора берувчи ёки пора беришга қизиқтирувчи ёхуд пора олиш-беришда воситалик қилган шахсларнинг ҳатти-ҳаракатларига етарлича ҳуқуқий баҳо берилмаслигини кузатишимиз мумкин. Натижада, бу турдаги жиноятлар янгича кўринишда намоён бўлади. Ушбу шахсларнинг ҳатти-ҳаракатлари ҳам Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 211-моддаси талаблари доирасида квалификация қилиниши ва пора предмети эса давлат фойдасига мусодара қилиниши лозим.

Яна бошқа бир ҳолат. Айтайлик, пора берувчининг талаби бажарилмади ёки тўлиқ бажарилмади. Бундай ҳолатда, агарда пора берган шахс ўттиз сутка ичида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга арз қилса, унинг жавобгарликдан озод этилиши қонунчиликда кўрсатилган.

Сўзимнинг ниҳоясида сиз ҳурматли муштарийларга юзланмоқчиман. Келинглар азизлар, Янги Ўзбекистонимизнинг равнақини дунё аҳли юксак эҳтиром билан эътироф этаётган бир пайтда, унинг нуфузига путур етказувчи ножўя ҳатти-ҳаракатларга нисбатан биргаликда самарали таъсир чораларини кўрайлик.

**Убайдулла МИНГБОЕВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, Ўзбекистонда хизмати кўрсатган ёшлар мураббийси.**

# МАСТЛИК ЖИНОЯТГА ЕТАКЛАДИ

***Кейинги саккиз ойдан буён ўз уйида қамалиб, суд ҳукми билан белгиланган уч ярим йиллик озодликдан чеклаш жазосини ўтаётган Бунёд Рўзиев (исми ўзгартирилди) ичкилик туфайли қилган жинояти ҳақида балки бугун бирор-бир хулоса қилаётгандир. Ваҳоланки, у дўстлар даврасида шу зорманда ичкиликдан ўзини тийган ва оиласи тинчлигини ўйлаганда бундай кўргулик бошига тушмаган бўлармиди.***

Бир эмас, тўрт фарзанднинг отаси бўлиб ҳам ҳаётга теран кўз билан қарашни ўрганмади. Айниқса, бўлар-бўлмасни баҳона қилиб ичишга ружу қўйиш одати унга кўп панд берган. Ўша куни ҳам айнан арoқ ичиш оқибати унга панд берди, маст ҳолатда жамоат тартибини бузгани камлик қилгандек, ички ишлар ходимларига пичоқ кўтариб, уларнинг соғлиғи ва ҳаётига хавф солди.

Қишлоқ оилавий поликлиникаси жойлашган майдон Бошработ маҳалласининг энг гавжум, ички кўчалар туташган жойи. Қишлоқ одамлари шу ерда йиғилишиб, ўзаро гурунг қилишади, шу ердан машинада шаҳарга чиқиб, қайтишда яна шу ерда қўниб ўтишади.

Хуллас, барча қишлоқ аҳлининг бир-бирига кўзи тушадиган, барчага таниш, қадрдон майдон.

Ўша куни ўз синфдошлари тўйида яхшигина “бош қизитиб” чиққан Бунёд Рўзиев тенгқурлари билан шаҳарга чиқиб, яхшироқ жойда улфатчиликни давом эттиришди. Маишатбозликдан қайтганда эса у анчагина бош-оёғини “йўқотган” ҳолда эди. Шунинг учун ҳам у маҳаллага машинада кириб келган профилактика инспектори С.Маммадиевнинг катта кўчанинг ўртасида туриб машиналар қатновига халақит қилаётган отаси Баҳодир Рўзиевга “чеккароқ турсангиз бўлмайдими?” дея панд берганидан аччиғи чиқиб, инспекторни ҳақоратлай бошлайди. Хуллас, ота-бола инспекторга ўз кучларини кўрсатиб қўймоқчи бўлишди. Инспектор ҳамкасби, маҳалла инспектори И.Қаҳҳоровни ёрдамга чақиради. Б.Рўзиев эса яқин орадаги уйига бориб, ошхона пичоғи билан қуролланиб қайтади. Инспекторлар маст ҳолатда совуқ қурол билан ҳаракатланаётган Бунёдни машинага ўтқазишга ҳаракат қилишган чоғда у И.Қаҳҳоровнинг елка қисмига қўлидаги пичоқ билан жароҳат етказади, М.Маммадиевнинг эса хизмат кийими пагони ва тугмаларини юлиб ташлайди.

Қизиқ, Б.Рўзиев ҳаракатларини маст ҳолда амалга оширган. У гўёки ички ишлар ходими ноҳақ хафа қилиб қўйган отасининг ҳимояси учун уларга пичоқ кўтарибди эмиш. Хўп, отаси, ота нега ўғлининг шаштини қайтармади? Нега маст одамга бошқалар ҳаётига хавф солиши мумкин бўлган ҳаракатлар қилишига йўл қўйиб берди? Яна, қишлоқ одамлари, жамоатчилик кўз ўнгида.

Халқимизда “Сўнгги пушаймон — ўзингга душман” деган мақол бор. Пушаймонлик билан бўлиб ўтган ёмон ишни ҳам, жиноятни ҳам оқлаб бўлмайди. Кейинги пайтда хизмат вазифасини ўтаётган ИИБ ходимларига очиқ-ошкора совуқ қурол билан ҳужум қилиш, уларнинг ҳаётига хавф солиш ҳолатлари кўпайиб боряпти. Хайриятки Бойсун туманининг Бошработ маҳалласида юз берган шунга ўхшаш ҳолат енгил тан жароҳати билан якунланди. Бироқ бу ҳолатдан кенг жамоатчилик, хусусан ёшлар хулоса чиқарадилар, деган умиддамиз. Айниқса, сархуш қилувчи ўткир ичимликлар ичишдан ёшларимиз узоқ бўлишини истардик. Зотан, ичиш оқибати нима билан якунланишини Бунёд Рўзиев мисолида яна бир бор тасаввур қилдингиз...

**С.ҚУРБОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг бўлим прокурори.**

**Б.ҚАРОРОВ,**
**Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлим прокурори.**

# “ЗАКОВАТ”НИНГ ТУМАН ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ



***“Долзарб 90 кун” ташаббуси доирасида ёшларнинг ёзги таътилини мазмунли ўтказиш ҳамда бўш вақтларидан самарали фойдаланишга қаратилган турли даражадаги маърифий-маданий ҳамда спорт тадбирларини ўтказиш давом этмоқда.***

Айниқса, бу борада Ёшлар ишлари Бойсун туман бўлими томонидан амалга оширилаётган ишлар алоҳида эътиборга молик.

Яқинда туман Ёшлар ишлари бўлимининг “Заковат” клуби билан ҳамкорликда ўтказилган навбатдаги маърифий-интеллектуал тадбири эса туман маҳаллалари кесимида фаолия юритаётган заковатчиларнинг туман биринчилиги учун ғолибларни аниқлашга бағишланди.

“Заковат” интеллектуал клубининг асосий маркази бўлган 13-умумтаълим мактабида “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида ташкил этилган беллашувда шаҳар маҳаллалари қаторида олис қишлоқ маҳаллаларининг ҳам билимдон ёшлари ғолиблик учун беллашдилар.

Маҳаллалардан саралаб олинган энг кучли жамоаларнинг беллашувлари, кутилганидек, иштирокчи жамоаларнинг даражасига мос равишда ўта кескин баҳс-мунозара, илмий тортишувлар асосида ўтди. Мусобақа натижаларига кўра энг зукко ва билимдон ёшлардан таркиб топган жамоаларга ғолиблик насиб қилди.

Жумладан Бошработ маҳалласи заковатчилари биринчи, Газа жамоаси иккинчи ва Шўрсой маҳалласининг билимдон ёшлари учинчи ўринни эгаллаб, мусобақа ҳакамлари томонидан энг кучли учлик жамоалари сифатида эътироф этилди. Ғолиб жамоаларга ёшлар ишлари туман бўлими томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Мазкур қизиқарли мусобақани ташкил этиш ва ўтказишда, одатдагидек, алоҳида масъулият билан ёндашган туман “Заковат” клуби раҳбарияти ва ташкилотчиларига Ёшлар ишлари бўлими томонидан самимий миннатдорчилик билдирилди.

**Нодир ҚУЛМАМАТОВ,**
**Ёшлар ишлари бўйича Бойсун туман бўлимининг бош мутахассиси.**

101 ОГОҲЛАНТИРАДИ!

# ҚУРИЛИШДА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ

***Албатта, шаҳримиз маҳаллаларида қад ростлаётган кўркам бинолар кўзни қувонтиради.***

Бу ободончилик ва кўркамликдан дарақдир. Зеро, бундай қурилиш биноларини бунёд этиш учун авваламбор уларнинг пойдевори мустаҳкамлигига, лойиҳалаш ишларини амалга оширишда қўшни иншоотлар билан ёнғинга қарши оралиқ масофаси (бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига асосан бажарилиши) деган ақидага мос равишда амалга оширишга тўғри келади. Яъни, ёнғинга қарши сув ҳовузлари билан таъминланган ушбу маскан ҳудудидаги сув манбаларига олиб борувчи йўллар қаттиқ қопламалар (асфалт, бетон) билан қопланган бўлиши керак. Бундан ташқари, жамоат жойлари, хусусан, бозорлар, шунингдек, бошқа савдо ҳамда кўнгилочар масканлар ҳудудида мабодо ёнғин содир бўлганда уни ўчириш автомабили эркин ва имкониятли ҳаракатланиши учун йўллар ҳар хил сунъий тўсиқлар билан тўсиб қўйилмаслиги лозим. Ана шундагина биз қурилиш ва жамоат жойларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган бўламиз.

**Д.АБДУРАҲИМОВ,**
**Бойсун туман ФВБ ПНБ катта инспектори.**

# НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ҚАНДАЙ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИ МАВЖУД?



***Қонунчилик ҳужжатларига кўра, ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатга оид якка тартибдаги ҳуқуқий муносабатларда бошқа ходимлар каби ҳуқуқларга эга, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шарт-шароитлари борасида эса улар ўзи учун қонунчиликда, шунингдек меҳнат тўғрисидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қўшимча имтиёзлардан фойдаланади.***

Жамоа шартномасида ёки меҳнат шартномасида белгиланадиган меҳнат шарт-шароитлари, шу жумладан, иш ҳақи, иш вақти ва дам олиш вақти режими, йиллик меҳнат таътилининг давомийлиги қонунчиликда белгиланганидан кам бўлиши ҳамда бошқа ходимларга нисбатан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳолатини ёмонлаштириши ёки уларнинг ҳуқуқларини чеклаши мумкин эмас.

Ногиронлиги сабабли ногиронлиги бўлган шахс билан меҳнат шартномаси тузишни ёки ишда унинг юқори лавозимга кўтарилишини рад этишга, у билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга йўл қўйилмайди, бундан тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясининг хулосасига кўра ногиронлиги бўлган шахснинг соғлиғи ҳолати касбий вазифаларини бажаришга монелик қиладиган ёхуд унинг ёки бошқа шахсларнинг ҳаётига ёки соғлиғига, меҳнат хавфсизлигига таҳдид соладиган ҳоллар мустасно.

Ногиронлиги бўлган шахслар фақат дастлабки мажбурий тиббий кўрикдан ўтганидан кейин ишга қабул қилинади ва кейинчалик ҳар йили мажбурий тиббий кўрикдан ўтказиб турилиши лозим.

**И** ва **ИИ** гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимлар учун иш вақтининг давомийлиги ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади.

**И** ва **ИИ** гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимлар учун кунлик ишнинг (сменанинг) давомийлиги тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясининг тавсияларига мувофиқ белгиланади, лекин олти кунлик иш ҳафтасида — олти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида — етти соату ўттиз дақиқадан ортиб кетмаслиги керак.

**Нодир МАМАДИЕВ,**
**Бойсун туман адлия бўлими бошлиғи.**

***Бу ҳам ҳозирги куннинг муҳим масаласига айланиб бораётир. Чунки асримиз техника асри. Рақамлаштириш унинг бир жараёнидир. Зеро, бугунги кунда ҳаётимизнинг айрим жиҳатларини рақамлаштиришга тўғри келиб қолаётган бир пайтда бу ишни амалга ошириш учун қаерга мурожаат қилиш керак, деган савол кўндаланг туради.***

Агар сиз ишлаётган бўлсангиз иш жойингиздаги кадрлар бўлимига мурожаат қилишингиз ва барча маълумотларингизни “Ягона меҳнат миллий тизими” идоралараро дастурий аппарат комплексига киритишни талаб қилишингиз мумкин. Мабодо, меҳнат фаолияти юритмаётган (ишсиз) бўлсангиз меҳнат дафтарчангиз билан Бандликка кўмаклашиш марказига дарҳол мурожат қилинг. Меҳнат дафтарчангиздаги маълумотларни рақамлаштириш мутлақо бепул амалга оширилади.

# РАҚАМЛАШТИРИШ УЧУН ҚАЕРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ МУМКИН?

Савол туғилади: рақамлаштириш нима учун керак?

-иш фаолиятингизни рақамли тизимда юритиш ва маълумотларни хавфсиз сақлаш имконини беради (қоғоз шаклидаги дафтарчалар йўқолиши ва бузилиши мумкин);

-пенсия тайинлашда меҳнат стажи автоматик аниқланади ва фуқароларнинг ортиқча вақт сарфи тежалади:

-давлат хизматларидан тез ва осон фойдаланиш имконини беради;

-янги ишга кирганигизда меҳнат дафтарчаси талаб этилмайди;

-энг асосийси, коррупцион ҳолатларнинг келиб чиқишининг олди олинади.

Қўшимча маълумотлар, пенсияга оид масалалар бўйича саволларингизга жавобни пенсия жамғармасининг 1271 қисқа рақамли “Call маркази” орқали олишингиз мумкин.

**Шуҳрат ТОШЕВ,**
**Бойсун туман бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бошлиғи.**

# ЎРГИМЧАККАНАЛАР

***Ўргимчаксимонларга мансуб каналар оиласига кирувчи бу ҳашаротлар полиз экинлари ҳамда мевали дарахтларнинг ашаддий зараркунандаси ҳисобланади. Ўргимчаккананинг оддий ўргимчаккана, атлант ўргимчакканаси, боғ ўргимчакканаси, мева қўнғир канаси, мева қизғиш канаси каби 100 га яқин турлари маълум.***

Ўрта Осиёнинг суғорма деҳқончилик минтақаларида кўп учрайдиган оддий ўргимчаккана — ҳаммахўр зараркунанда. Етук ҳашарот тана узунлиги 0,4-0,5 мм, жуфт оёқли, танасининг устки қисмида 26 та ингичка тукчалари бор, ранги ёзда сарғиш кўкимтир, кузда, қишда ва эрта баҳорда қизғиш ёки қизил бўлади. Ўсимлик шираси билан озиқланади, ўсимлик баргининг орқа томонида уя ясайди, шу жойда ривожланади. Эркаги урғочисига нисбатан икки марта кичик. Ривожланиш циклида тухум, личинка, пронимфа, дейтнома ва етук ҳашарот даврини ўтайди. Етук урғочилари 40 кунгача яшайди ва 140-600 тагача тухум қўяди. Ўргимчаккана март ойида қишловдан чиқиб, бегона ўтларда биринчи авлодни ўтайди. Бегона ўтлар қурий бошлагач, ғўза, полиз экинлари, соя ва мевали дарахтларга ўтади. Ўзи ажратган оқ ипакчалари билан ўсимлик баргларини қоплаб олади ва ҳужайра ширасини сўриб, хлоропластларни емиради. Натижада баргларда қизғиш доғлар пайдо бўлади ва муддатидан олдин тўкилиб кетади.

Ўргимчакканага қарши курашиш учун кузда ўсимлик пояларини даладан чиқариб ташлаш, бегона ўтларни йўқотиш, вегетатсия даврида дарахт ва экинларга олтингугурт кукунлари билан ишлов бериш, эрта баҳорда мевали дарахтларга акаритсидлар пуркаш зарур.

**А.НОРБОЕВ, А.КЕНЖАЕВ,**
**ўсимликлар карантини ва ҳимояси инспекторлари.**

# ВАССОФИ ДЎСТИИ ХАЛҚҲО

## Ё ХУД, ДИЛРО РОҲЕСТ ДАР ИН ГУНБАДИ СИПЕҲР



Асосан, самимияту эътирофи рўзафзунам бо Усмон ака дарёфтанам ў васлгари дилҳост. Дар эҷодиёташ низ ин зуҳроти хурсандиовар рўз то рўз такмил меёбад. Имрўзҳо ў бо талқини нав дар асоси дархости роҳбарияти воломақоми ҳукумат намоишномаи “Ҷомӣ ва Навоиро” ба ҳукми тамошобинон ҳавола намуда, собит намуд, ки дўстии халқҳо дўстии адабиётҳост. Вақти гуфтугўи тўлонии мо асосан бо руҳи болида аз эътирофҳои байниҳамдигарии ин ду нобиғаи нотакрор бо ҳусни тафоххури хоса ёд меовардем. Ин иқдоми неки шоирро хуш пазируфта беихтиёр дар ситоишу эътирофи якдигар сутудаи бузургдоштани тамаддуни оламгир — Ҷомию Навоӣ ба ёд омад ва ёдовар шуда афзудам ба шоир:

**Сафоёб аз нури рои ту шуд,**
**Навоӣ зи лутфи навои ту шуд.**

**х х х х**

**Ба туркизабонон нақше омад аҷаб,**
**Ки ҷодудамонро бувад мўҳри лаб.**

Вақте ки аз як ғазали дилошўби Навоӣ (Фонӣ) мақтаашро ёдовар шудам, Усмон Азим ба муносибати қавии устоду шогирдӣ ва эътирофу эътиқоди байниҳамдигарии эшон бо ҳисси қаноатмандӣ аҳсан мегуфт.

**З-ин назми нав, чархи кўҳан, якбора гў ҳайрат макун,**
**Фонӣ чу таълими сухун дорад зи Ҷомӣ борҳо.**

Ин ҷо шоир аз адабиётшиноси жарфбин, навоишинос, Олим Давлатов изҳори миннатдорӣ дошт, ки ба дарёфту шарҳу тавзеҳи абётҳои зикршуда кўмакрасон буд. Мавриди зикр аст, ки дар китоби номбурда “Сўнгсўзлар” низ нисбати муносибати Ҷомию Навоӣ ва омўзиши мероси гаронбаҳои онҳо як нуктаи ҷолиби бо назарам навро иброз медорад. Усмон Азим, ки дар омўзишу пажуҳишҳои минбаъда мадҳи назар буданаш бағоят муфиду судбахш аст:

“Навоийни англаш учун Жомийга таяниш керак. Жомийнинг ижодини ўрганишда Навоийга мурожаат этиш лозим”.

Дар саҳифаи 268-269 дар ин маънӣ нуктаи ҷоизу мақбул меоварад: “Навоийни фарзанд деб билган бу улуғ инсон — Абдураҳмон Жомий уни тасаввурига сиғмайдиган даражада бекорга эъзозламаган бўлса керак.

Менимча Навоий истеъдодининг тенгсиз қамрови таранглиги, юксаклиги ва беназирлиги унинг замондошлари қатори Абдураҳмон Жомий яққол ҳис қилган”.

Аз марги бародари дардошнояш нависандаи халқии Тоҷикистон Саттор Турсун, ки ҷодаи як диёранд Усмон Азим сахт андўҳгин буд. Ў боре дар рафти сўҳбати телефонӣ аз банда хоҳиш намуд, ки “Саттор акаро бемор мегўянд, бояд ҳамроҳ рафта як хабар мегирифтем”. Афсўс, ман аз сабаби рухсатномаи убури марз надоштам, он вақт ин ният амалӣ нашуда буд. Баъди марги адиби маҳбуб, Саттор Турсун Усмон Азим бо ҳамроҳии нависандаи халқии Ўзбекистон Эркин Аъзам шоиру адабиётшиносон Одил Икром, Мирзо Кенҷабек, Олим Давлатов барои изҳори таъзия ба шаҳри Душанбе рафта изҳори ҳамдардӣ намуда, қабри нависандаро зиёрат карданд, дар иттифоқи нависандагон лаҳзаи ёдбуд баргузор намуданд. Баъдан Усмон Азим ва Эркин Аъзам дар бозгашт ба зодгоҳи нависанда, деҳаи Пасурхӣ омада ба бародарони нависандаи зиндаёд изҳори ҳамдардӣ баён карданд. Шоир аз пазироии аҳли қаламу мардуми Тоҷикистонро бо ҳисси қаноатмандӣ ва руҳи тоза ҳикоят мекунад. Аз муносибатҳои дўстонаи давлатҳои ҳамсоя ва об шудани пирияххои чандсола бо фараҳ гап мезанад. Ҳатто хурсандиашро бо мардум оддӣ бо ҳам мебинад. Аз роҳбаладии бойсундиёре, ки имрўз бо тақозои тақдир ба Душанбешаҳр кору истиқомат доранд, нависанда, лауврияти давлатии ба номи Абуабдуллоҳи Рўдакӣ, Равшани Махсумзод, номзоди илмҳои физика ва математика Рауфи Раҳмон бо мамнуният гап мезад, Усмон Азиму Эркин Аъзам аз таасуроти сафарашон ёдовар мешуданд. Бо ҳусни тафаҳҳуми хоса аз муҳити солими адабии ҳамсоядавлат ва дастовардҳои эҷодии онҳо бо мамнуният сўҳбат оростанд.

Шоири васлгари дилҳо ва пайвандгари адабиётҳо Усмон Азим бо дарду алам дар китоби “Сўнгсўзлар” дар ҳаҷми зиёда аз даҳ саҳифа яъне аз саҳфаи 420-431 бо дард аз шоири ҷавонмарги соҳибистеъдод Ҷўрабек Рамазон зикри хайр менамояд. Чун аввалинҳо истедоди фитрии Ҷўрабекро таҳсин гуфта, бозёфтҳои эҷодиашро дар шеър табрик мегўяд. Маҷмўаашро сартопо хонда, дилаш аз фараҳ лабрез мегардад. Аз шеърҳои ҷолиби ў ҷо-ҷо иқтибосҳо меоварад. Хусусан, байтҳои ҳазини поёнро оварда дилаш аз қисмату башоратҳои Ҷўрабек ба дард меояд:

***Фалак мени ерга айлади кулги,***
***Юнус париларни яшириб ғорга.***
***Ажал келса, пешвоз чиқаман чунки,***
***Чақирмайди мени Худо бекорга.***

Имрўзҳо шоири маҳбуби дилҳо Усмон Азим аз таҳкими дўстии халқҳо ва ҳусни тафҳуму ҳамдигарфаҳми миллатҳо дил аз фараҳ саршораст. Ҳамчун мунодии дўстии халқҳо дар сафи пеш мебошад. Шиораш пайваста:

***Дар замири мо намеғунҷад, ба ғайр аз дўст кас,***
***Ҳар ду оламро ба душман деҳ, ки моро дўст бас.***

**ШЕЪРРО ШОИР КУНЕД...**

***Шеърга ўхшаган шоирларни кўрдим. Ҳофизларнинг қўшиққа ўхшаганини эса учратганим йўқ. Ёки мен қўшиқни бошқача тасаввур этаманми.***
***(Усмон Азим)***

Усмон Азим дар мобайни хонандагони ўзбек чун шоири маҳбуб бо маҷмўаҳои шеърии “Оқибат”, “Ғусса”, “Бахшиёна”, “Оина”, “Тазаррўъ”, “Азоби эҳёи руҳӣ”, “Тирамоҳ”, “Ҳолат” ва ғайра шинохта шудааст. Ҳанўз аз маҷмўаҳои аввалинаш бо истеъдоди фитрӣ ва роҳу майлони хоси худ вориди арсаи адабиёт шуданаш диққати аҳли адабу шеъри нобро ба худ кашид. Аз он то имрўз навпардозиҳо, вусати тафаккур, эҳсосу дарду дарки шоирона дар ашъори шоир дар такмил аст. Ў пайгиру ҷонибдори он аст, ки шеър бояд маҳсули баланди шуур бошад. На ҳар сухани ба риштаи назм кашида, ки дорои қофияву вазну ҳиҷост шеър аст. Шеърҳои Усмон Азим аз ин рў фарогири эҳсосу шўру шари шоирона аст, ки ҳар дили огоҳро мусаххар месозад. Ҳидоят мекунад, ба кашфу дарки олами пурасрори зиндагӣ. Боз ба такмили фазилатҳои барҷастаи инсонӣ. Ба таъбири аллома Иқболи Лоҳурӣ, ки баҷо гуфта:

**Шеърро мақсуд агар одамгарист,**
**Шоирӣ ҳам вориси пайғамбарист.**

Истеъдод рукни асоси самимият аст. Самимият парастандаи покӣ, рости адолатпарварӣ, меҳру садоқат, инсофу диёнат, ватандўстӣ, оштинопазири ба ҳама гуна пасттиннатиҳост. Мабдаи ашъори рангини Усмон Азим чи тавре, ки гуфтем, истеъдоди фитриаст, ки фарогири сифатҳои зикршуда мебошад. Шоири ҳамдарду ҳамдили замон оддитарин таассуроти руҳиро нозуку таҳгонӣ ба риштаи тасвир мекашад, ки сайқали фикр аст. Ҳис мекунед, дарду армони шоир, аммо шарҳу тавзеҳаш бо забон мушкил. Ба поён мебинем чӣ нозукбаёнию мўйшикофӣ.

***Жоним маним,***
***Қалбим маним,***
***Кўзим маним,***
***Ўзга вужуд аро толган ўзим маним...***

То чӣ андоза ифодаи мушкилшарҳи дилтасхиркунанда: “Ўзга вужуд аро толган ўзим маним”. Вусату такмили афкори шоирона чун шоири нозукадо дар эҷоди Усмон Азим дар рушду авҷ аст. Ба назарам чунин менамояд, шеъри ў саҳли мумтанест (дар шакл оддӣ, дар маънӣ бикр, яъне Рўдакивор):

**Ҳолинг сўрсам оғиб қисмат хатарларга кетар бўлди,**
**Фақат толнинг ҳолидин, ёр хабар берсанг етар бўлди.**

Боре Усмон Азим дар меҳмонии телевизионии “Қақнус” доири шеъру шоирӣ бо исрору қатъият тақрибан чунин гуфта буд, ки басо мутобиқу мувофиқи таърифи шеъри асил аст.

Шеъри аз ҳама боло шеъри мушкилфаҳм аст, аз ин рў арзиши ашъори шоирони гузашта коста нагаштааст. Зеро дар онҳо санъатҳои шеърӣ ва афкори баланди шоирона хуб риоя шудааст.

Вақте ки шеърҳои Пастернак, Вазнисевискиро дар маҷаллаи “Ҷаҳон адабиёти” таҳти тарҷумаи Усмон Азим хондам, сари он андешидам, ки тарҷума то чи андоза маломоли эҳсоси шоиронаю ифодаҳои бикри дардолуди хаёлан ба дуриҳои дурбаранда, асли шеър то чӣ андоза бошад. Қоилам ба санъау маҳорати волои шоириву тарҷумонаш.

Соҳибистеъдод истеъдоди худро бо ифодаю оҳангҳои гуногун дар ҳар ҳолат исбот менамояд. Ин баробари хонанда ба аҳли эҷод ҳам муҳим аст. Ўро ҳар лаҳза сўи қуллаҳои фатҳнашуда мекашад. Ин аст табиати истеъдод. Хусусан шоирони асилу соҳибистеъдод мисли Усмон Азим инъоми бахшоиши садсолаҳост дар адабиёт. Чӣ тавре ки Бозори армонҳои миллат гуфтааст:

**Шоиреро сохтан кори садсолаест,**
**Сахт корест, бори як сайёраест.**

**“ЮРАКДОШ” Ё ХУД СЎҲБАТИ СОҲИБДИЛОН ОЯД ХУШАМ...**

Ҷасорату мардӣ, покию ростӣ, фазилатҳои барҷастаи инсонӣ ҳамеша бояд, ҳамроҳи одамӣ асиру мубталои адабиёти асил бошад. Усмон Азим чун шахси соҳиби фазилатҳои боло маҳбуби дилҳост. Бо ҳама шуҳрату эътибор, мавқевую нуфузи баланд бо мардуми оддии шайдо, дилбохтаи шеъру адабиёт метавонад, соатҳо чун соҳибдил сўҳбат кунад.

Мо зодаю парвардаи як диёр бошем ҳам, асоси муносибати қавии самимиамон маҳз дар асоси баҳсу мубоисаҳои тўлонии доираи адабиёт мустаҳкам гардида. Аниқтараш, баъди интишори китоби дар боло зикрёфта, “Сўнгсўзлар”. Рафти сўҳбатҳои паиҳам атрофи мундариҷаи китоб ва баъзе эроду эътирозҳо аниқ дарёфтам, пири хирад аст, Усмон Азим ба пурраги. Мусоҳибро шунида хуш қабул карда метавонад. Осори кибру ғурури беҳуда бароящ бегона. Аз бозёфту муваффақиятҳо ноқаноатианд, пайваста ба талошу ҷустуҷў. Ба таъбири Лоиқ:

**Ҳар чӣ аз дасти ман ояд, нотамомаш бишмарам,**
**То зи худ норозиам, аз худ пушаймон нестам.**

Шахси мусибату аламҳояшро ба худ дошта, шодию хурсандияшро ба дигарон қисматкунандаро мисли Усмон Азим кам дидаам. Руҳияти қавии шикастнопазир дорад, шоири тавоно. Дили беғами меҳрпарвараш барои ҳар мусоҳиб нури умед мебахшад. Бухлу ҳасад кинову нафрат бароящ бегона. Боре дар рафти сўҳбат чанд ишораро ки дар китоби “Сўнгсўзлар” омадааст ба ки тааллуқдор буданашро пурсидам, бо вуҷуди тахминанм, ки буданашро дарёфтанам. Бо таҳамул ў ҷавоб дод: “Овардани ному насабашон таҳқири руҳи покашон нашавад гуфтам. Ғай аз ин хешу пайвандонашон меранҷанд. Муҳим ки будани он нест, балки муҳити адабии он давр бо таъсири онҳо чи гуна буд”.

Ба таъбири Ҷаъфари Муҳаммад дили шабнамсифат дорад Усмон Азим, ҳасадро намедонад?..

**Зи шаш дар бар сарам бухлу ҳасад мебораду Ҷаъфар,**
**Дили шабнамсифат дорам, ҳасодатро намедонам.**

Шоири рангинхаёл дар кадом кунҷу канор набошад бо ёди зодгоҳаш Бойсун зиндагӣ мекунад. Пеш аз ҳама рафти гуфтугўи телефони аввалсуханаш: “Юракдош, тоққа қор қандай?”

Ин ифодаи кўтоҳи аз ниҳонхонаи дили шоир баромадаи ба назар оддӣ дар кадом поя мабдаю манбаи шеъри шоир будани қуллаҳои сарбафалак кашидаи диёри мардхезаш Бойсунро бо хотир меоварад. Имрўзҳо Усмон Азим кўпурики маърифии ду халқи ба ҳам бародар ўзбеку тоҷик аст, дар Бойсун. Вирди забонҳо сурудҳои ба ашъораш оҳангбастаи ҳофизи халқии Тоҷикистон Хайруллои Насриддин. Мо ба шоири кашшофу ифшо (ба таъбири худаш фошгардида) сарбаландию хонаободӣ, чун ҳамеша бурдборӣ таманно дорем.

**Салом АТОЕВ,**
**омўзгори тоифаи олии мактаби рақами-5, ноҳияи Бойсун.**

(боши1-бетда)

# ТУРИЗМ МАДАНИЯТИ
## БИЗ УНГА НЕЧОҒЛИ ТАЙЁРМИЗ?



Шунингсиз ҳам глобал иқлим ўзгаришидан ҳансираётган табиат унга кўрсатилаётган бу жабрларга бардош қилмайди, биродар...

Дўстим ёлғон гапирмаётганди. Фаросатсиз баъзи бир маҳаллий сайёҳларнинг табиатга шафқатсизларча муносабатининг натижасини мен ҳам Зовбоши томонларга ўтганда гувоҳи бўлгандим. Яқинда эса Хўжамайхонада ҳам худди шу каби ҳолатларга дуч келдим.

Зиёратгоҳга келувчиларнинг аксарияти жонлиқ сўйишни одат қилишган. Бунинг учун махсус жой ҳам бор. Бироқ айниқса, дам олиш кунлрида Хўжамайхона дарасига республикамизнинг турли вилоятларидан келиб дам олувчи сайёҳлар сони бир неча баробарга кўпаяди. Натижада кимдир жонлиқ сўйишни махсус белгиланган жойда амалга оширса, айримлар тўғри келган жойда, ўзлари қўналға қилган ҳудудда, ҳатто дарё қирғоғида мол сўйишади. Табиийки, мол чиқиндилари ҳам шу жойларда қолиб кетади ёки сувга оқизиб юборилади.

Умуман, зиёратгоҳ, дам олиш зоналарида жонлиқ сўйиш масаласини диний идора вакиллари иштирокида муҳокама қилиб, ҳар томонлама қулай ечим топиш лозимга ўхшайди. Негаки, аксарият имом-домлалар зиёратгоҳларда жонлиқ сўйиш исломда йўқ амал деган фикрларни билдиришяпти. Агар бу ҳақиқатга яқин фикр бўлса, тегишли идоралар иштирокида туман ҳокимлиги даражасида кўриб чиқиб, маълум бир хулоса қилишга тўғри келади. Чунки бу муаммо бугун бўлмаса ҳам яқин йиллар ичида туманимизда туризмни янада ривожлантириш дастурларини амалга ошириш жараёнларида кўтарилиши шубҳасиз.

Аҳоли орасида туризм этикасини шакллантиришда туристик зоналар ҳудудларида инсон ва табиат муносабатлари, экологик маданиятни юксалтириш, атроф-муҳитни тоза сақлашга чақирувчи кўргазмали воситаларнинг мажбурий бўлишлигини таъминлаш катта аҳамиятга эга. Ҳозирча туман ҳудудида фаолият кўрсатаётган туризм марказларидан фақат Хўжақўчқор ота зиёратгоҳи ҳамда унинг этагида жойлашган “Ферузбек асл чорваси” хусусий корхонасига қарашли туризм марказида бу талабга етарли эътибор қаратилган. Хусусан, ҳар икки ҳудудда туризм зонасида экологик ахлоқ нормаларига амал қилишга, атроф-муҳитга зарар етказмасликка даъват этувчи турли даражадаги рангли панноларни кўриш мумкин. Қолган ҳудудлар, айниқса, Хўжамайхона дараси узра барпо этилган дам олиш зоналарида бу каби кўргазмали воситаларни деярли учратмайсиз. Борлари ҳам баъзи дарахтлар танасига ёпиштириб қўйилган, компьютерда чиқарилган оддий қоғоздаги кўримсиз ёзувлардан иборат, холос.

Кейинги беш-ўн йил ичида Бойсун туризм саноати мутлақо замонавийлик касб этиши кутилмоқда. Айни пайтда туман ҳудудида бир нечта маҳаллалар туризм қишлоғи титулига эга бўлиш арафасида. Шаҳар марказида “Олмазор” туризм кўчаси барпо этилиб, бу ердаги хиёбон қайта ободонлаштирилаётир. Шу ҳудуднинг ўзида 24 соат фаолият кўрсатувчи махсус гастрономик кўча ташкил этиш ишлари ҳам қизғин кечяпти. Замонавий меҳмонхоналар, хостел, меҳмон уйларида ҳозирданоқ бир неча юзлаб меҳмонларни бир вақтнинг ўзида қабул қилиш имконияти мавжуд. Бир сўз билан айтганда, фақат мавсумий эмас, балки йил давомида фаолият юритувчи инфратузилмага эга ўзига хос Бойсун туризми шаклланиш арафасида.

Сўзсиз, бу режалар албатта амалга ошириладиган вазифа. Аммо эртага мана шу имкониятлардан максимал фойдаланиш, туризм саноати туман иқтисодиётига энг кўп маблағ олиб кирувчи соҳага айланиши учун биз бугунданоқ тайёр бўлишимиз тақозо этилади. Бу тайёрлик, энг аввало, мазкур мақоланинг асосий мавзуси бўлган туризм маданияти — туризм этикасини ўзлаштириш ва унга амал қилиш кўринишида бўлиши лозим. Истардикки, бу ҳар бир бойсунликнинг қалбида, онгида шаклланса. Истардикки, ҳар бир оилада фарзанд тарбияси шартларига экологик маданият, экологик этика нормалари ҳам киритилса.

Аслида туризм — бу табиатни, атроф-муҳитни издан чиқарувчи соҳа эмас, балки табиатни тирилтирувчи, унга кўрк берувчи манба бўлиши керак ва бу тажрибани туризм саноати ривожланган ҳар қайси давлатлар мисолида кўриш мумкин. Туризм инсонларни табиатга яқинлаштиради, атроф-муҳитга ошно этади, она заминни севишга, табиатдаги барча эҳсонларни авайлашга ўргатади. Қачонки биз туризм маданиятни ўзлаштирсак, туризм этикасига амал қила билсак...

**Даврон ОРИПОВ.**

# АҲМАД АКРАМОВ

**Ўзининг бутун меҳнат фаолиятини “Бойсун” газетаси ижодий жамоаси билан ҳамкорликда ўтказган фидойи инсон, фахрий матбаа ходими Аҳмад Акрамов 80 ёшда вафот этди.**



Аҳмад Акрамов узоқ йиллар Бойсун туман босмахонасида ҳарф терувчи, саҳифа босувчи уста ва бошқа вазифаларда ишлаган бўлсалар-да, ҳамиша газета ижодий жамоаси аъзосидек бизга яқин, ҳамдил ва ҳамкор эдилар. Муҳими, у киши ҳамиша эндигина босмадан чиққан ҳар бир сон газетамизнинг илк ўқувчиси бўлардилар. Босмахона бўёғи инган “иссиққина” нишона газетани босма ускунаси ёнида ўқиб чиқиш Аҳмад аканинг энг яхши одатлари эди. Кези келганда газета саҳифаларида чоп этилган мазмунли мақола, очерк ёки бўлмаса тиғлигина фельетон, танқидий мақолалар ҳақида биз билан баҳс-мунозаралар қилиш, таклиф-мулоҳазаларини билдиришни ҳам ўрнига қўярдиларки, ижодий жамоалар Аҳмад аканинг бу каби фазилатларини ҳозир ҳам алоҳида эътироф билан эслаб турамиз.

Аҳмад ака узоқ йиллар нафақада бўлган даврда ҳам қадрдон жамоа — “Бойсун” ижодий жамоаси билан яқинлик ришталарини узмадилар. Вақт бўлганда бирров кириб биздан ҳол-аҳвол сўраш, ўтган даврлар, марҳум ҳамкасбларни эслаш, иш юзасидан қимматли маслаҳатларни бериш устознинг энг яхши одатларидан эди.

Аҳмад Акрамов яхши дўст, фидойи матбаа ходими сифатида ижодий жамоамиз аъзоларининг хотирасида узоқ йиллар сақланиб қолади. У кишининг яқинлари, оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдириб қоламиз.

**Охиратлари обод бўлсин!**

**“БОЙСУН” ГАЗЕТАСИ ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ**

(КИЧИК ҲИКОЯ)

# КЕКСАЛИК

***Ҳайдарқул бобо сўнгги йилларда анча ёлғизланиб қолди. Унинг тенгдошлари бирин-кетин бу дунёни тарк этишди. У энди бировнинг эшигини тақиллатиб боролмайди, бировга дардини айтолмайди, биров билан ўтириб чақ-***



***чақлашиб суҳбат қилолмайди.***

Ҳайдарқул бобо ҳар куни эрталаб уйи олдидаги тепаликка чиқиб ўтган қадрдонлари ва бир неча йил аввал омонатини топширган кампирининг ҳаққига узоқ ўтириб дуо қилади. Болалиги, йигитлиги, кексалигига гувоҳ бўлган ҳу баланд тоғлар, ўнқир-чўнқир тепаликлар, қариликдан шохлари синиб, аллатовур бўлиб қолган дарахтлар, ўт-ўланлар билан тилсиз суҳбатлашади. Бир жойда ўтиравериб бироз толиққач, эски тўнини елкасига ташлаб, уйига қайтади. Ҳар куни аср намозини ўқигач яна шу тепаликка келиб тоғлар, тепаликлар, дарахтлар, ўт-ўланлардан рози-ризолик сўрайди.

Уйига келиб тўшагига чўзилгач, ўтган умрини сарҳисоб қилади, охиратини ўйлаб узоқ хаёл суради. Эрталаб ўлик ё тириклигига ўзи ҳам ишонмай ўрнидан туради ва бомдод намозига тайёргарлик кўради. Бу ҳол ҳар куни такрорланар эди.

Ҳайдарқул бобо абадий уйқу қачон келишини сабрсизлик билан кутарди.

**Ёқуб ҚАНОАТ.**



***Бугун дунёнинг турли бурчакларида рўй бераётган низолар, халқаро муносабатлардаги баъзи бир келишмовчиликлар туфайли келиб чиқаётган қонли урушлар барчани бирдек ташвишга соляпти. Айниқса, Фаластин заминида кечаётган деярли бир йиллик урушдан бутун дунё ҳамжамияти ташвишда. Бу ерда аксарият тинч аҳоли ва болалар тортаётган уқубатларга бизнинг тинчликсевар халқимиз ҳам бефарқ эмас. Зотан, барчамиз ушбу қонли можаролар қурол билан эмас, тинч дипломатик йўллар билан тезроқ бартараф бўлиши тарафдоримиз.***

***Албатта, бу можаролар барчамизни чуқур мушоҳада қилишга, мамлакатимизда кечаётган барча ислоҳотлар ортидан халқимизнинг бугунги бахтли ва фаровон турмушини таъминлашга асос бўлаётган буюк неъмат — тинчлик ва осойишталикнинг қадрини янада чуқурроқ англаш ва уни асрашга ундайди.***

***Қуйида таниқли ижодкор Абдуқодир Абраевнинг Фаластинда кечаётган қонли можаролар оқибатларидан таъсирланиб ёзган шеърини бериш баробарида нуронийларимиздан мамлакатимиз тинчлиги, юртимиз ободлиги учун дуолар қилиб қўйишларини истадик.***

***Тинчлигимизга, юртимизга кўз тегмасин, азизлар!***

# ФАЛАСТИННИ ТИНЧ ҚЎЙ ИСРОИЛ

*Ким орага соляпти нифоқ,*
*Бунга ҳеч ҳам қолмадим қойил.*
*Сен ўзингни кўрсатма оппоқ,*
*Фаластинни тинч қўй Исроил.*

*Давлат бўлиб шаклланган сан,*
*Олим бўлиб оқилланган сан,*
*Бугун нега жоҳилланган сан,*
*Фаластинни тинч қўй Исроил.*

*Болалари менинг ҳам болам,*
*Орзулари эди бир олам,*
*Бугун кўкка ўрлади нолам,*
*Фаластинни тинч қўй Исроил.*

*Талашасан бир қарич ерга,*
*Сўнг борасан, билгин қаерга?*
*Чек қўйгин сен, азоб-жабрга,*
*Фаластинни тинч қўй Исроил.*

*Меҳр бериб яратди Оллоҳ,*
*Аёлларда бормиди гуноҳ,*
*Сен сабабли чекди минг бир оҳ,*
*Фаластинни тинч қўй Исроил.*

*Буғдойзорга нега ўт қўйдинг,*
*Дарахтларнинг бағрини ўйдинг,*
*Бўлгай ҳали ўзингни сўйдинг,*
*Фаластинни тинч қўй Исроил.*

*Дунё сени турибди қарғаб,*
*Ўзбек, япон, фаранги, араб.*
*Юргин энди кўзингга қараб,*
*Фаластинни тинч қўй Исроил.*

*Гўрида тик турди Арофот,*
*Қилманглар деб, юртим талофат,*
*Очкўз бўлма, бўлма касофат,*
*Фаластинни тинч қўй Исроил.*

*Ўн кун бўлди йўқ ҳаловатим,*
*Шеър ёзишга йўқдир рағбатим,*
*Энди нима бўлар билмадим,*
*Фаластинни тинч қўй Исроил.*

*Фаластинлик менинг жигарим,*
*Бирга ҲАҚ деб, бошин эгарим.*
*Юрагимни қилмагин ярим,*
*Фаластинни тинч қўй Исроил.*

*Демасин у: “шарпа сояман,*
*Келажаги сароб, рўёман.*
*Жим бўлмасанг, кўзинг ўяман!”*
*Фаластинни тинч қўй Исроил.*

*Фаластиним бўлмайди ғариб,*
*Қадрлаймиз, кўкка кўтариб.*
*Уни сенга қўймаймиз бериб,*
*Фаластинни тинч қўй Исроил.*

*Билсанг бизлар мўмин-мусулмон,*
*Ўз-ўзига ўзи бек, султон.*
*Ҳали минг йил тўлайсан ўлпон,*
*Фаластинни тинч қўй Исроил.*

*Улар ҳали бўлар бахтиёр,*
*Бўлар, алвон гулга бой диёр.*
*Оллоҳ қўллар, омад бўлар ёр,*
*Фаластинни тинч қўй Исроил.*

*У ерларда қадрият нодир,*
*Ва ҳеч нарса бўлмас бекадр.*
*У ёқда ҳам бор Абдуқодир,*
*Фаластинни тинч қўй Исроил.*

*Ким орага соляпти нифоқ,*
*Бунга ҳеч ҳам қолмадим қойил,*
*Сен ўзингни кўрсатма оппоқ,*
*Фаластинни тинч қўй Исроил.*

**Абдуқодир АБРАЕВ.**

# ПИЁДА ҲАМ ҚОИДАГА РИОЯ ҚИЛИШИ КЕРАК

**Кейинги пайтда мамлакатимизда йўл-транспорт ҳодисаси билан боғлиқ жиддий нохушликлар ҳаддан ташқари ортиб боришида нафақат транспорт воситасини бошқарувчилар, балки пиёдалар ҳам сабабчи бўляптилар. Бунга аксарият фуқаролардан ҳозир ҳам йўл ҳаракати қоидаларига фақат транспорт ҳайдовчилари амал қилиши керак, деган нотўғри фикр мавжудлиги омил бўлмоқда. Ваҳоланки, пиёдалар ҳам йўл ҳаракатига қатъий амал қилишлари шарт ва зарурдир.**

Кўчага чиққан ҳар бир пиёда бевосита йўл ҳаракати иштирокчисига айланади, шунинг учун ундан атрофдаги воқеа-ҳодисаларга нисбатан эътиборли бўлиши талаб этилади. Айниқса, автотраспортлар ҳаракат қилувчи кўча ва йўлларда имкон қадар пиёдалар ўтиши учун белгиланган жойлардан ҳаракатланишга ўрганиш ва бу тартибга амал қилиш шарт. Чунки белгиланмаган жойдан ўтиш чоғида сиз ўзингизни камида 70-80 фоиз хавф-хатарга қўйишингиз мумкин.

Чорраҳалар ва светофорлар билан ҳаракат тартибга солинган жойларда фақат яшил чироқ ёнгандан кейин ҳаракат қилинг ва бу тартибни фарзандларингизга ўргатинг ҳамда бу тартибга қатъий амал қилишларини назорат қилинг. Ҳатто светофор чироғи пиёда учун йўл очиқлигини кўрсатган тақдирда ҳам пиёдалар ўтиш жойидан ҳаракатланиш чоғида бир дам бўлса-да бепарво бўлманг, чунки светофорнинг қизил чироғига эътибор қилмайдиган ҳайдовчилар ҳам учраб туриши ва ундайлар кутилмаганда қизил чироқдан ўтиб, сизнинг ҳаётингизни хавф остига қўйиши мумкин. Афсуски, худди мана шундай ҳолат сабаб оғир тан жароҳати олаётган ҳамда ҳалок бўлаётганларнинг аксарият қисмини вояга етмаган болалар ва ўсмирлар ташкил этяпти.

Фарзандлари билан автомобилда ёки пиёда кетаётган фуқаролар ҳаракат давомида хавфсизлик камарини тақмаса ёки кўчанинг белгиланган жойидан ўтмаса пиёдалар ва ҳайдовчилар билан боғлиқ йўл траспорт ҳодисаси ҳар доимгидек давом этаверади. Бунинг оқибатида эса юзлаб, минглаб бегуноҳ инсонлар бир умр ногиронликка гирифтор бўлишлари ёки бевақт ҳаётдан кўз юмиш ҳолатлари кўпайгандан кўпаядики, асло камаймайди.

Ҳурматли фуқаро, унутманг, сизнинг йўл ҳаракати қоидаларига амал қилишингиз, энг аввало, сизнинг саломатлигингиз ва ҳаётингиз гаровидир. Агар сиз пиёда юрган чоғингизда қатнов қисмининг четида ҳаракатланишингизга тўғри келса албатта, транспорт воситаларининг ҳаракатига қарама-қарши ҳаракатланинг. Катталар эса болалар ва ёшларга йўл ҳаракати чоғида намуна бўлинг!

**А.АЗИЗОВ,**
**Сурхондарё вилоят, ИИБ ЖХХ ЙХХБ МАМ инспектори, катта сержант.**

# BOYSUNLIK IJODKORLAR ASARLARINI TARG'IIB QILAYOTGAN YANGI LOYIHA

***Yurtimizning har bir go`shasi o`zining tarixi, ma`naviyati, o`ziga xosligi bilan ajralib turadi. Ana shunday muqaddas go`shalardan biri, shubhasiz, Boysundir.***

Odatda Boysunni takrorlanmas tabiati, maftunkor go`shalari, ming yillik chinorlari-yu, osmono`par tog`lari, betakror o`ziga xos fol`klor san`ati tufayli dunyo taniydi deyishga o`rganib qolganmiz. Biroq mana shunday moddiy va nomoddiy boyliklari qatorida bu ajib maskan yana bir o`ziga xoslik — ma`rifiy, adabiy muhiti bilan ham har qancha tahsinu e`tirofga loyiq ekanligiga ba`zida e`tibor bermay qolamiz. Vaholanki, Boysun azaldan ma`rifatli insonlar, adiblar, shoirlar, olimu fuzalolar yurti sifatida tanilgan va bu an`ana bizning zamonamizga kelib ham davom etib kelmoqda. Shukur Xolmirzayev, Erkin A`zam, Usmon Azim, Sattor Tursun, Olim Toshboyev, Yoqub Norsaidov, Zokir Xudoyshukurov, Anvar Namozov, Jo`rabek Ramazonov, Abdimurod Rahmon, Erkin Muqimov, Abdimurod Xudoyberdiyev...

Keksa va o`rta avlod vakillari bo`lgan ushbu ijodkorlar izidan borayotgan yana qancha umidli yosh ijodkor avlod vakillari-chi... Ularning ijod mahsulini targ`ib qilish, keng kitobxonlar ommasiga yetkazish bilan esa biz Boysun madaniy-ma`rifiy, adabiy muhitini yanada mustahkamlashga xizmat qilgan bo`lamiz, albatta. Bunda esa kutubxona va kutubxonachilarning xizmati va ahamiyati alohida o`rin tutadi.

Kutubxona — bilim va ma`naviyat-ma`rifat xazinasi. Kutubxonachi esa unig posboni sanaladi. Mana shunday mas`uliyat yukini anglagan holda kutubxonachilarimiz nafaqat kitoblar taqdim etuvchi xodim sifatida, balki yirik ma`naviy-ma`rifiy tadbirlarni tashkil etuvchi ma`rifatparvar shaxs sifatida faoliyat olib borishga intilishyapti. Kitobxonlikni targ`ib qilishga qaratilgan loyihalarni hayotga tatbiq qilishyapti. Mana shunday loyihalardan biri esa aynan boysunlik adib va shoirlarning asarlari va faoliyatlarini targ`ib qilishga qaratilgan “Boysun — bilim va ruhiy-ma`naviy yuksalish manbai” nomli loyihadir.



Boysun tumani tashkil etilganligining 100 yilligi (2026 yil sentabr) munosabati bilan ishlab chiqilgan va bugungi kunda amalga oshirilayotgan ushbu loyiha besh bosqichli bo`lib, 1-bosqichda ma`naviy tadbirlar asosan tumanimizning qadimiy ziyoratgohlarida, tarixiy maskanlarida barcha yoshdagi keng kitobxonlar jamoasi ishtirokida o`tkazildi. 2-bosqich tadbirlari esa mahallalarda davom etib, unda boysunlik ijodkorlarning ijodi va faoliyatini mahallalarning o`zida targ`ib qilishga qaratildi. Bunda mahalla fuqarolar yig`inlari binolarida markaziy kutubxona hamkorligida kichik ko`chma kutubxonalar tashkil etish va unda o`zimizning adib va shoirlarimiz qatorida dunyo adabiyoti vakillarining kitoblaridan ham foydalanish to`g`risidagi takliflar ilgari surildi.

Ayni paytda barchaga allaqachon katta qiziqish uyg`otgan loyihamizning uchinchi bosqichini amalga oshirish jarayonlari ketmoqda. Bu bosqichda Shukur Xolmirzayev, Usmon Azim, Erkin A`zam, Sattor Tursun kabi taniqli ijodkorlarimiz qatorida keyingi avlod boysunlik adib va shoirlarning asarlarini targ`ib qilish, ular faoliyati, ijodiga bag`ishlangan ko`rgazmalar tashkil qilish kabi ma`rifiy-madaniy tadbirlar amalga oshirilyapti. Keyingi bosqichda esa “Bolangiz kitob o`qiydimi?” mavzuidagi tadbir doirasida aholi xonadonlarida bo`lib, oilada kitobxonlikni tashkil etish va farzand tarbiyasida bolalar kitobxonligining ahamiyatini oshirishga qaratilgan targ`ibot tadbirlari tashkil etish mo`ljallangan.

Mazkur loyiha yil oxirigacha davom ettirilib, kelgusida 2026-yilda ham uning yangi bosqichlarini amalga oshirishga qaratilgan tayyorgarlik jarayonlari boshlab yuborilgan.

Yuqorida ta`kidlab o`tganimizdek, Boysun ma`rifiy-adabiy muhitida yaratilgan va yaratilayotgan ijod mahsuli — bu bizning umumiy ma`naviy xazinamizdir. Bu xazinani nainki bugungi avlod balki keyingi avlod vakillariga ham asrab-avaylagan holda yetkazish biz kutubxonachilarning kasbiy burchimiz hisoblanadi.

**Gulnoza SAFAROVA,**
**Boysun tuman AKM Axborot-biblografiya xizmati mutaxassisi.**

BOYSUN

MUASSISLAR:
Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashi va tuman hokimligi

BOSH MUHARRIR
Davron ORIPOV

NAVBATCHI:
Azamat G`AFFOROV.

Internet materiallaridan foydalaniladi.

Gazeta 2012-yil 2-fevral viloyat Matbuot va axborot hududiy boshqarmasida 11-043-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Indeks: 64622
Bahosi kelishilgan narxda.

ISSN 2181-7073

Hajmi - 2 bosma taboq.
Bichimi A-2
Chop etishga topshirish vaqti - 17 00
Topshirildi - 16 00
Adadi : 1400
Buyurtma №

Gazeta sifatiga bosmaxona mas`ul

(t) - tijorat materiali.

Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farq qilishi mumkin.
Qo`lyozmalar egasiga qaytarilmaydi, yozma javob berilmaydi.
«BOYSUN» gazetasidan materiallarni ko`chirib bosish muharriryat roziligi bilan amalga oshirilishi lozim.

Gazeta oyiga ikki marta o`zbek va tojik tillarida chop etiladi.

TAHRIRIYAT MANZILI:
190401, Boysun, Zartepa ko`chasi, 37-uy.
Telefonlar: 76-33-51-368, 99-733-06-59
e-mail: boysun@umail.uz

Gazeta «Boysun» tahririyati kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta “Surxon tongi”va “Zarya Surxana” gazetalari bosmaxonasida chop etildi. Manzil:Termiz shahri Shukrona ko`chasi 19-A uy.